



МАHALLA

1-сентябрь 1996 йил январи ойидан чиқиб бораётган

РАЁСАТДА

Жамиятимиз «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойили асосида ривожланишда, ушбу тамойилга амал қилиш баробарида жамиятнинг деярли барча тизимларида ислохотларни амалга ошириш, соҳалар фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш талаб этилади. Юртимиздаги барча оммавий ахборот воситаларида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилмоқда.

Сир эмас, жамиятдаги турли жараёнларни кенг оммага етказиш, муҳим ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жуда қўлай тизим. Чунки маҳалла фуқаролар билан бевосита, ҳатто лозим бўлганда ҳар бир фуқаро билан алоҳида ишловчи тизимдир. Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида Президентимиз ўз маърузасида бу масалага алоҳида тўхталганди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифа ва масалаларнинг ижроси бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастури» юзга келди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг навбатдаги йиғилиши ушбу Дастур ижросини таъминлаш чора-тадбирларини белгилашга бағишланди. Унда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижаларини чуқур таҳлил этган ҳолда миллий қадриятларни ва урф-одатларни ҳаётга тадбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятларини ошириш, бозор муносабати талаблари асосида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг моҳиятини аҳолига етказиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди ва келгуси вазифалар белгиланди. Белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда, маҳалла фаолиятининг ролини ошириш, тизимда кечайётган жараёнларни «Маҳалла» газетаси ва бошқа нашрларда, телекўрсатувлар ва радиодиджиттиришларда ёритиб борилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Дастурда белгиланган вазифаларни бажариш учун жойларда Ишчи гуруҳлари тузилиб, улар томонидан ҳудуддаги шарт-шароитни, тажрибаларни ўрганган ҳолда режа-тадбирлар белгиланиши ҳусусида қарор қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

Чоршанба

2

* Живзах гузарлари қирқмадан ошади!
* Маҳалламиз футболу - «Футболимиз келажаги»!

3

* «Бозорқум» сўзининг устидан чиқди!
* Барчин момо кўприк курганди...

4

* Самарқанд матолари қадимдан машхур...
* Маросим кампарона бўлса - соғ!

Фахр

РУКН

Расмий

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР ЗИЁРАТИ


Расмий ташриф билан мамлакатимизга мەҳмон бўлиб турсан Полша Республикаси Президентини Александр Квасневский 22 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Уткир Султонов ҳамроҳлигида Бухорога ташриф буюрди.

Шу кунини мەҳмон Самарқандга ташриф буюриб, бу қадим шаҳардаги Регистон мажмуи, Гур Амир макбарасини томоша қилди.



А.Квасневскийнинг қадимий Бухоро билан танишуви IV асрда бунёд этилган Арк қалъасидан

бошланди. Сўнг олий мартабали мەҳмон Сомонийлар макбараси, Масжиди Калон, Минораи Калон, Мирараб мадрасаси масжиди, Лаби ховуз мажмуи каби тарихий обидаларни томоша қилди. Бухоро хунармандлари, зардўзлари, гилам-бофлари, темирчилари, заргарлари ясаган буюмларнинг Тоқи Саррофон, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпақфурушон сингари қадимий савдо расталарида ташкил қилинган кўرғазмалар билан танишди.



Полша раҳбари Ўзбекистонда аждодлар хотираси, улар қолдирган улкан меросга эҳтиром кучли эканлигига амин бўлганини таъкидлади.

Олий мартабали мەҳмон Сиёб бозорига

бориб, саховатли ўзбек заминиде етиштирилган неъматлардан, Самарқанднинг машхур нонларидан татиб кўрди. Полша раҳбари Самарқандда истиқомат қилувчи поляклар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, барқарорлик, турли миллатга мансуб фуқароларнинг маданияти, тили, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга бўлган эътибор кучли эканлиги таъкидланди.

Ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, А.Квасневский, жумладан, куйидагиларни айтди:

- Бухоро ва Самарқанд гоёт гўзал шаҳарлар экан. Бу қадимий гўшаларга келишни кўпдан орзу қилардим. Полшада замонавий Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш қаторида унинг қадимги обидалари ва ноёб маданий меросига қизиқиш ҳам кучли. Ўйлайманки, серқуёш юртингизга ҳали минглаб сайёҳлар келиб, бу қадимий шаҳарларни зиёрат қилади ва олам-олам таассуротлар олади.

Илҳом САФАР,
Уйғун РЎЗИЕВ,
ЎЗА муҳбирлари

РУКН Таабир

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИДА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ

Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар Бошқармаси вакиллари шахримизнинг Шайхонтохур тумани Илгор маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари ўртасида фавқулодда рўй берадиган вазиятлар ҳамда технокенг хусусиятлари ҳолатларини олдин олиш ва бундай вазиятлар вужудга келганда қандай чора-тадбирлар қилиш ҳусусида дера суҳбатини ташкил этдилар.

Тадбирда фавқулодда вазиятлар Бошқармасининг аҳолини ва худудларини муҳофаза қилиш бў-

лими бошлиғи майор А.Қосимов, Бирлашган ўқув-услубий маркази бошлиғининг ўринбосари Ҳ.Шодиевлар шаҳар худудиде пайдо бўлиши мумкин бўлган табиий офатлар, авариялар, фалокатлар ва улар келтирган оқибатлардан муҳофазаланиш усуллари ва бундай вазиятларда фуқаро муҳофазасининг ташкилий тузилмаси ҳамда шахсий муҳофазаланиш воситалари ҳусусида маълумот бердилар.

Тадбир қатнашчиларини Бошқарма тезкор қидирув-қутқарув бўлими бошлиғи майор С.Жигалин «Қутқарув хизмати-050»нинг ҳозирги кундаги ишлари билан таништирди.

И.ИСОҚОВ.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР БЎЛСАК...

Пахтачи тумани Хумор қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Мавлон ака Хайдаровнинг айтишича, маҳаллада тадбиркорлар анчагина.

Шунингдек, бу ерда 2 та бичиш тикши чехи, 11 та тегирмон, 2 та сараторшона, 10 та савдо шаҳобчаси, нонвойхона, пойабзал таямирлаш устахоналари ҳам мавжуд. Тадбиркорларнинг ҳаммаси маҳалла аҳолига имкон қадар модавий ёрдам кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларимизни биз ҳам қўллаб-қувватлаётимиз, - дейди оқсоқол Махсуддин Муқимов. - Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган «Тиник» фирмасининг банкдан кредит оли-

шига қўмақлашдик. 600 минг сўм сармоёга эга бўлган фирма шу кунларда парандачилик фаолиятини йўлга қўйиб, халқимизга маҳсулот етказиб бермоқда.

Маҳалла бизга ишониб, қаролат хати берди. Шу хат асосида кредит олиб, сарсонгачиликдан қутулдик. Ҳозир барча диққат эътиборимизни сифатли ва мул маҳсулот олиш, маҳалла аҳолининг ишончини оқлашга қаратганимиз, - дейди «Тиник» фирмаси раҳбари Мурод Эргашев. Азамат САФАРОВ

РУКН Бизнинг турнир

МАҲАЛЛА

БОЛАЛАРИ ТЎП ТЕПМОҚДА, ДЕРАЗАЛАРИ ЭСА БУТЎН

«Футболимиз келажаги» аънавий турнири якунидан сўнгги ўйлар



Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан «Футболимиз келажаги» маҳалла болалари ўртасидаги футбол турнирининг ўтказилиши энг яхши аънавога айланди. Турнир бир неча илдан бери болаларнинг ёзги таътил мавсумида ўтказилмоқда.

2-САҲИФАДА

СИНГАПУРГА

Сим қоққан чингиз ота(ми?)

Ёки компьютер билан отахон мунозараси

«...Уша Сингапур деганлари қаерда ўзи, у ерда на қариндошим, на таниш - билишим бор...»

у ердаги мутасадди ходимга менинг хонадонимдан Сингапурга кўчириб олиш мумкин эмас, деган мазмунда ариза қолдирдим...

Отахоннинг айтишича, орадан бироз вақт ўтиб, яна унинг қарим борлиги компьютерда тасдиқланганини маълум қилганлар. Бордию пулни тўламан телефонни «узиб» қўяр экан, Ана ҳоли! Яна шаҳар телефон тармоғида йўл олди. У ердагилар ўша компьютер деган техниканинг ёзганини инобатта олиш-

ди. У ҳам эриниб ўтирмай, республика Алоқа вазирлигига борди. Афсуски, у ерда ҳам «Компьютер сизни гаплашган демоқда» деб туриб олишди.

Умуман, бундай овораю сарсон бўлганча ўша Сингапурга қилмаган кўчиргим учун ҳақ тўлаб қўйишим ҳам мумкин эди, - дейди отахон. - Лекин мендек пенсионер кишига бу бироз малол келмоқда. Қолаверса, нега энди мен фойдаланилмаган хизмат учун ҳақ тўлашим керак. Мана ҳозир, ўша Сингапурга

кўчириб-чиққанларни бирмабир эслаб, уларнинг қай бири мени шундай «чув тушириши» мумкинлигига ақлим

Уруш ва меҳнат фахрийси Чингиз ота Махсумовнинг бу саволларига биз ҳам жўялиқ жавоб беролмадик. Сўзлашув ҳақини тўлашингиз керак, тартиб ҳамма учун десак, у киши «Сочининг оқи билан ёлгон гапирманми?» деб турибдилар, вазирлик ёки шаҳар телефон тармоқлари бошқармасига мурожаат қилсак, у ердан нима жавоб олишимизни ҳам билемиз, «Компьютер йўқ нарсаини қайд қилмайди!» Уйлаб-ўйлаб бир тадбир қўлламоқчи бўлдик, ушбу мақолага «бакуватроқ» қалам ҳақи ёзсагу, отахон тўловини шу хисобдан тўлаб қўя қолсалам. Ҳар қалай, қария одамнинг телефон алоқасисиз қолиши бизга маъқул келмапти-да. Лекин гап фақат пулда бўлганда отахон ҳам бир амаллаб тўлаб қўйган бўларди-да. Қолаверса, бизни ҳам бу жумбоқ роса уйлантирмоқда: «Сингапурга сиз қоккан ким бўлдингиз экан?»

ТАХРИРИЯТ.

Тўқилмаган хангома



Бошинг кўкка етсин, болажон!

«МАHALLA»...


...Термизда кўпаяди

Шахримиздаги барча маҳаллаларда истиқлол йилларида ободончилик, қурилиш-таъмирлаш ва орасталикка янада катта эътибор берилаётгани, бу эзгу юмушлар маҳалла кишиларини ягона бир мақсад йўлида бирлаштираётди. Юртимиздаги маҳаллалар ҳаёти ҳусусидаги турли янгилıklarдан «Маҳалла» газетаси орқали хабардор бўлиб борамиз. Бу газетанинг ҳар бир маҳаллага кириб келиши учун савб-ҳаракатларни бошлаб юборган-

миз. Келгуси йилда шахримиздаги ҳар бир маҳалла ўз «Маҳалла»-сига эга бўлади. Чунки маҳаллаларимиз фаолиятида бу нашрнинг аҳамияти жуда катта. Унда тизим фаолиятига дахлдор меъёрий ҳужжатлардан ташқари турли муаммолар жойларда қай тарзда ечим топаётгани ёритилди. Биз газетга саҳифаларида шу йўналишда янада кенгроқ ўрин берилишини истардик.

А.ЧОРИЕВ,
Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ҳокими.

...Фаолиятимиз учун зарур



«Маҳалла» газетаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига яқиндан қўмақлашувчи нашр эканлиги сир эмас.

Маҳаллалар ишини ривожлантириш бўйича йўл-йўриқлар мана шу газетга орқали берилиши обунани ишларини намунали ўтказишни талаб этади.

Жамғарманнинг Живзах вилоят бўлими

жамғармаси, унга уюшган қишлоқ, маҳалла, овул, фуқаролар йиғинлари, милиция таянч пунктлари нозирлари, посбонлар, тадбиркорлар аҳоли ўртасида обунани ушатириш тарғибчилари бўлмоқдалар, - дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Ш.Жўраев. «Маҳалла» газетасининг вилоятимизда нуфузи янада ошишини таъминлаш учун юқо-

рида номлари тилга олинган ташкилотларнинг ходимлари масъул бўлаётти. Шу нарса аниқки, газетани ўқимаган жамғарма ходими, оқсоқол ёки маҳалла фаолиятини изчил амалга ошира олмайди. Илгор маҳаллаларнинг иборатидан бенасиб бўлади. Шунинг учун ҳам совмили газетамиз ҳар бир хонадонга кириб боришини истаймиз.

Пардабой ТОҶИБОВ.

Обуна-2003
MAHALLA
- Яна нима дебди?
- «МАHALLA» газетасида сўраганингиз чиқилми, дебди!

Бўлган воқеа!
«Маҳалла» ва тадбиркор
ёки бир ўқинида муҳаббат

Ёнимга бир тадбиркор танишим «Маҳалла» газетасининг таҳлиларини сўраб келиб қолди. Газетанинг охириги сониде у ҳақида мақола ёзган қилинган экан, мақоладан ўқиб, қайтариш шарт билан қувончи ичига сигмай уйига олиб кетди. Эртаси кунини қайтариб олиб келди.

«Маҳалла»да ажойиб мақолалар берилар экан-у, беҳабар эканмиз. Ундаги мақолалар менда зўр таассурот уйғотди. Шу пайтатча фақат «Даракчи»ни ўқир эдим, энди албатта, «Маҳалла»га обуна бўламан, - дед гапирга кетди ва обуна бўлишига ёрдам беришимни сўради.

Мен маҳаллалар кўмақдоши бўлган «Маҳалла»ни ўқимасдан қўймайман. Барча юрдушларимни ҳам бу газетани ўқиб севиб қолишларини албатта хоҳлардим.

Иноят НЕЪМАТОВ,
Сиёб тумани Ўрмон маҳалласи фаоли. Самарқанд шаҳри.

MAHALLA
Ўзбекистон Республикаси Тажрибият манзили:
Матбуот ва Ахборот Агентлиги
00123-рақам билан рўйхатга олинган.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Нашр кўрсаткичи: 148
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.
Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун мувафиллар масъулдирлар.

Яна ўша гап - тўйларимиз, ўйларимиз.

ХУДОЙИ ҚИЛИШДАН МАҚСАД ...

Яқинда танишларимиздан бири марҳум отаси ва худои қилди. Юзлаб одамларни чоҳонага чорлаб, қозон-қозон ош дамлади.

Ваҳоланки, худойи тўй эмас, аксинча марҳумни ёдлаш, унинг руҳини шод этиш мақсадида Аллоҳ йўлида қилинадиган эҳсондир. Уни жуда камтарона тарзда, марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари иштирокида ҳам ўтказиш лозим бўлади.

Мен бир мўсафид сифатида ўтган асрнинг 30-40 йилларидаги тўй ва маъракаларга гувоҳ бўлганман. Ўша йилларда «йигирма» ёки «йил оши» маросимлари маҳалладаги назомдон кексалар чақирдилар, дастурхонга нон, бир сижим майиз, жийда, озгина қанд-қурс солинган патнис қўйиларди.

Бугунги кунларда ҳаёти-миз фаровон, ҳар ёнда мўл-кўлчилик. Бу яхши. Бироқ, тўй ва маросимларни ўтказишда ҳаммаша меъридан четга чиқмаслигимиз лозим. Айниқса, худойи кимўзарга қилинадиган даб-дабали маросим эмаслиги, аксинча марҳумни хотирлаб ўтказиладиган кичикроқ давра бўлмоқчилигини унутмаслик зарурдир.

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси.

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

Ибн Боттута Бухорога қилган ташрифини тугатиб, Мухаммад Тормаширин ҳукмронлигидаги янги Мўғлистон - ғарбий Чигатой улусининг маркази бўлиши Қарши томон йўналган. У Қаршига етиб боргач, ўрдадан унча олис бўлмаган жойда ўз чодирини тиктирган. У ерда ҳам шундай иззат-ҳурмат билан кутиб олинган сайёҳ Тормашириннинг қабулида бўлган, у билан қилган диққатга сазовор қизикарли мулоқотлари ҳамда бу ҳукмдорнинг эшитиши бўйича тахтдошларининг сифатлари, ҳамма-хаммаси ҳақида муҳим тарихий маълумотларни келтиради.

Умуман, Чигатой ҳукмдорлари Мовароуннаҳр заминидан адолат билан ҳукм юргизганлари ҳақида ҳам маълумотлар келтиради. Масалан, Кепакхон ҳақида сайёҳ: «Мен, бул мўғул ҳукмдорининг адолатпешалиги борасида эшитганларимдан бири шундай кечган экан. Кунлардан бир кун сут сотиш билан кундалик рўзгорини ўтказиб турган кўп болани аёл бозорга хурмачада сут келтириб сотмоқчи бўлиб турганда мўғул амирларидан бири аёлниг бир хурмача сутини тортиб олиб ичиб юборибди. Аёл бундан қаттиқ норози бўлиб, Кепакхон ҳузурига бориб ари

қилибди. Ҳукмдор шу заҳотиёқ ўшал амирни келтириб, аёлга қарата айтган: «Мен ҳозир бу амирни икки нимта этурмен, агар гапинг ҳақ эрса, унинг қорнидан сут чиқарайин. Борди-ю, аксинча

РУКН Мозийдан сағолар

дасига айланган эди. Аммо тақдир тақозоси билан унинг на хотини ва на фарзанддан бахти чопмаган. «Мен

тун дунё мусулмонлар олами ана шу талай асарлар билан бўйлашадиган шаҳри Самарқанд ҳақида: «Мағрибдан

ИБН БОТТУТА КИМ?

У Ўрта Осиёни қандай ўрганган?

бўлса, ундан сўнг сени икки нимта этгум». Аёл бу гапни эшитиб, ҳукмдорга ўзининг даъвосиндан воз кечиб ундай қилмаслиқни ўтинган эса-да, Кепакхон унинг ўтинчини қабул қилмаган ва «Ило бу нарса ҳаммага ибрат бўлсин», - дея боғий ўз амирини икки нимта эттириб ташлаган. Аёлниг даъвоси ҳақ чиқиб, қатл этилган амирнинг қорнидан сут оқиб тушган экан.» (84 б.)

Энди яна Тормаширин даврига қайтадиган бўлсак, Ибн Боттута бу ўлкага келган дафлатки кунларидаёқ унинг машуқа қанизагининг кўзи ёриб қиз қўрган. Бу қиз сайёҳнинг гоят суюкли арзан

нинг назаримда бу қиз бахт юлдузида дунёга келган эди», - деб эслайди Ибн Боттута. - Мен уни еру қўкка ишонмай чандон яхши кўрадим. Бироқ шафқатсиз ажал кўрингки, уни ҳам мендан юлиб олди», - дейди ҳасрат билан у. (196 б.) Шундан кейин сайёҳ Қашқадарёдан Самарқандга борган. Бу маълум ва машҳур бўлган азим шаҳарда сайёҳ илгарини эшитганларидан ҳам кўп нарсаларни билди, кўп нарсаларни эса ўз кўзи билан кўрди. Бу қадимий ўлка ҳақида нафақат араб жугрофия олимлари ўзларининг оташин шеърини мисраларини қозғога туширганлар, балки, бу

машриқча бўлган бутун дунёни кезсанг-да, ундан гўзалроқ ўлкани тополмайсанлар», - (196 б.) деб ёзганларини қайд этади Ибн Боттута.

Сайёҳ Самарқанднинг барча ерларини бориб кўрган, шу жумладан, Хартанг мавзесига ҳам бориб, у ерда бир вақтлари дафн этилган буюк муҳандис, исломият оламининг ёрқин юлдузи бўлмиш Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870 йил.) қабрини ҳам зиёрат этган экан.

Маълумки, тарихан Самарқандда яна шунингдек, хунармандчиликнинг ўзига хос сирлари бўлиб, хитойликлар ҳам ўз вақтида ана шу

сирларни билишга кўп уринганлар. Унинг энгил сановати эса шундай аъло сифатли бўз ва газламалар ишлаб чиқаришда талай хорижий мамлакатлардан олдинги қаторда турган. Айниқса, «Самгун» деб аталувчи қумушранг парчаси, турфа рангли ва бўёғи асло ўзгармайдиган ипак матолари худди шундай дунёни доимо ўзига ром этиб келганлиги сўзсиз ана шу тарихдан сир бўлмаганини ёзади сайёҳ. «...Евуз қаттол мўғул галалари гуриллаб тараққий этишда шитоб билан олға бораётган Самарқанд шаҳрини ер билан яқин этганлар. Шаҳарнинг жамики ёшу қарисига ҳам ваҳшийларча шафқат этмаганлар. Бунёдкорликнинг талай ҳисобсиз нодир иншоотлари ва бошқа нарсалар худди қумга сингиб кетган бамисоли сувдай йўқликка томон юз тутган эди. Асрлар давомида юзга келган барча бунёдкорликлар, санъат дурдоналари бир неча ойлар давомида вайронларга айланган. Унинг ўша машуум воқеадан қолган оғир жароҳатлари то шу кунларда ҳам кўзга яққол ташланиб турарди...» (198 б.)

У, Ўрта Осиёга қилган саёхатини шу ўлкада яқунлаб, Афғонистондан Хиндикуш орқали 1335 йил 12 сентябрда қўлдан бўён оруз қилган афсонавий мамлакат Хиндистонга борган ва у ерда турли

сабабларга кўра, қарийб саккиз йилга яқин туриб қолган. Сўнгра яна бир орузида бўлган ва эндиликда дунё бўйлаб қилган сафари Хитойга боришга ҳам мушарраф бўлган. У бутун Хитой мамлақати бўйлаб сафарини давом эттириб экан, у ерларда кўрган, билган, эшитган ҳар бир диққатга сазовор масалаларни синчиқлаб ўрганган ҳолда кундалигига қайд этиб борган. Масалан, унинг Хитойда илганларидан бири узунлиги бир қаричга яқин бўлган эни кафтдек қоғоз пуллар муомалада бўлганлиги, бу қоғоз пуллар гарчи ўз давлатларида олтин қиммати тенглаштирилган ва қадри хисобланса-да, у Хитойнинг ўзидагина қадрланган ҳолос. Хорижда бу пуллар чиққан хитойлик тижоратчи савдогарлар мол айриб ош қилишар, ўз молларини ўша ерларнинг танга пулларига ҳам сотишар, ана шу тангаларга ана ўзларида зарур хисобланган молларни сотиб олиш билан тижорат этишларини ва бошқалар ҳақида Ибн Боттутадан бир асрдан зиёроқ муқаддам ўтган ва Хитойда бўлган венециялик сайёҳ Марко Поло маълумотларига қараганда бирмунча тўлиқ билиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳабибулло ЗАЙНИДДИН (Давоми бор)



Тўйга тайёр тўйбола

Ота-боболаримиздан бизгача етиб келган бир ривоятда («Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим») шарифининг фойдаси, фазилатлари қувадигача улувланди:

Икки таниш шайтон узок вақт кўришмай юриб, бир кун учрашиб қолишибди. Бирини озиб, таниб бўлмас аҳволга тушиб, зўрга гапирармиш. Иккинчиси семиз, бақувват эмиш.

Семиз шайтон сўради: - Илгари бундай эмас эдинг. Бирор касалга чалинганмисан?

- Эй, дўстим, менинг ҳолимни сўрама. Шундай дардга йўлиққанманки, айтиб бериш маҳол. Мен, бир одамга, уни йўлдан уриш учун ёпишган эдим. У одам бўлса ҳар бир ишни бошлашдан олдин, албатта «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим!»ни айтишни қанда қилмайди. Ҳар кун аҳвол шу. Дастурхонга, овқатланишга ўтирдими «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим!»ни озгидан қўймайди. Бирор лўкма овқат ея олмасдан туриб кетаман, оч юраман. Шу сабабдан озгину нимжон бўлиб қолдим. Узингчи, нега бунча, ки-

РУКН Яхшилар гулшани «БИСМИЛЛОҲ» ДАН БОШЛАНГАН ИШ ХАЙРЛИДИР

ши таний олмайдиган даражада семириб кетдинг? - Мен бир одамга йўлиққанманки, сени айтган кишининг тамоман акси. На ҳало, на ҳаромини фарқ қилади. На ҳақни билади, на ноҳақни. Қорини харом лўкма билан тўлдиргани-тўлдирган. У «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим»нинг нималигини билмайди. Мен, шу бепарқ одам таомидан истаганимча еб, роҳат қилиб, семириб юрибман.

Оллоҳнинг улуғ фаришта-си Жаброил алайҳиссалом энг аввал Пайгамбаримиз Расули Акрамга йўлиққанда «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим» деб рўпара бўлганлар. Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим зикр этилган хонадонга шайтон йўл тополмайди.

Ҳазрат Расулulloҳ айтадиларки, «Мо мин амрин лам ябдаъ би бисмиллоҳ, фаҳува абтар» яъни «Қайсики иш «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим»ни айтмасдан бошланган экан, унинг думи юлинган (тамомланмаган)дир». Бошлаган ишлари охирига емай

колади, демек. Ҳазрат Усмон ибн Аффон «Бисмиллоҳ» тўғрисида Расули Акрамдан сўраганларида шундай жавоб берганлар: «Аллоҳнинг исми зотларидан улуғ бир исмдир. Кимки «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим»ни айтса, Аллоҳ таоло айтвчи инсонга кўзининг қораси билан оқини ўртасидан ҳам яқин бўлади». Пайгамбар (САВ) яна хушхабар берадиларки: «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим» айтилганда Осмон аҳллари, малоикалар хурсанд бўладилар. Аршларзага келиб тебранадилар.

Аллоҳ Таоло айтади: бандаларимдан қайси бири илос билан «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим» деса, мени уч минг номимни зикр қилгандек бўлади ва мен шу бандамга ҳар кун уч юзу олтимиш маротаба раҳмат назари билан қарайман. «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим» - Аллоҳ, Раҳмон, Раҳим каби уч номдан иборатдир дейлади тафсири Хусайнида. Аниқ, равшанки, одамлар «Бисмиллоҳ»ни айтиб ҳалол ва покиза ишга киришганларида, уларда ўша ишга ишо-


нча ва кўнгил барқарорлиги пайдо бўлади, унинг оқибатидан кўнгли тўқ бўлади, негаки, ўз ишини қодир Эгамга бўлган ишонч билан бошлаган бўлади. Чунки, у астойдил ризқ-рўз сўраган бандасини ноумид қилмайди.

Ҳазрат Расулulloҳ (САВ) тайинлайдиларки: «Таом тановул қилишда «Бисмиллоҳ»ни айтинг, агар бошида унутсангиз, ўртасида айтинг, ўртасида унутсангиз - охирида айтинг».

Ҳар бир ишни, гапни «Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим» деб бошлаш, бутун оламдаги мусулмонларнинг кундалик одалатига айланиб қолган.

«Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим» яхши ният, Оллоҳдан қутилган эзгу умид ифодасидир. Яхши ният эса инсоннинг мақсадлари ва келажagini белгилайди, унга кучкуват ато этади. Шунинг учун ҳам аждодларимиз «Бисмиллоҳ»ни асло унутмаганлар.

Манбалар асосида Р.МУҲАММАД тайёрлади.



КУЙ (21.03-21.04)

Йил охирида тизги бўладиган ташвишлар оғушидасиз. Шошилманг, вақтингиз хали бор, ҳаммасига улгурасиз.

СИГИР (22.04.20.05)

Сизнинг энг таъсирчан бўлидиган - томоғингиздир. Айниқса, кўзингиз ушбу салқин кунларда уни эҳтиёт қилинг.

ЗГИСАҚЛАР (22.05-21.06)

Сизга муҳим топириқни юқлайдилар. Уни бақариш давомида дунёда сиз билмаган анча нарса борлигига ўмин бўласиз.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Келаси чоршанбага бошингиз меҳмондорчиликдан чикмайди. Фурбатдан фойдаланинг, дўстлар даврасидан завқланинг

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда молиявий салоҳиятингиз ортади. Шундай бўлса-да, харажатларни қисқартиришингиз маъқул.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)

Хушёр бўлинг, сизни алдашга уринадилар. Айниқса, кўчмас мулк боғлиқ масалада дуч келганга ишонманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Қайси юмушга қўл урсангиз, бақаридан келмоқда. Эски режаларни амалга оширишингиз айна фурсати.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Оила аъзоларингизга, айниқса турмуш ўртоғингизга эътиборли бўлинг. Уларнинг хотиржамлиги ҳар нарсадан устун.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳамёнингизга барака оралши мумкин. Яқин кийинги кунларда совға-салом қилишни унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)

Фарзандлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг охири йўққа ўшайди-ми? Аслида улар улғаймоқдалар ҳолос.

ҚОВГА (20.01-18.02)

Сафарга чиқишга ҳозир бўлиб туринг. Чарчасангиз ҳам, вақтингиз кўнглилли ўтади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ерга тўкилаётган ҳазонлар сизга ҳомушлик келтирмоқда. Ёлғизлик айни кунларда сизга фойдали.

Эрк ниҳоли
Жаннат макон ўлкамда
Эрк ниҳоли унмоқда,
Ёшим билан бу ниҳол
Тенг баробар ўсмоқда.

Дўстлар билан юрт аро
Мағрур қадам ташлаймиз.
Хиллирар байрогимиз,
Унга доғ туширмаймиз.

Обуна-2003
Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - МАНАЛЛА
ОБУНА БЎЛИНГ!

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик Компанияси
АБОНЕМЕНТ
газета
журнал
(нашр кўрсаткичи)

Билмасангиз, билиб олинг!
Дори-дармон, озиқ-овқат ва машиий кимё маҳсулотларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик мuddати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим.

МАНАЛЛА
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати:
Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САЙДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОКИБОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Раҳмон КЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат УРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул қотиб: Аслиддин БҮРИЕВ
Сахифаловчи: Абдор БЕРДИЕВ
Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ
Газета тахририят компютерида терилди ва сахифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобок.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.